# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 113 (9.305) 1999 йил 27 сентябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


*Саноат*

## ХАРИДОРЛАР ДИДИГА МОС

***Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамияти чеварлари Аёллар йилида ўзгача ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишга, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб харидоргир маҳсулотлар тайёрлашга, аёллар, эркаклар ва болалар устки кийимларининг замонавий турларини ишлаб чиқаришга астойдил интилмоқдалар.***

Корхона жамоаси йил давомида 720 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга бел боғлаган. Бугунги кунга келиб буюртмачиларнинг талаблари асосида 500 миллион сўмликдан ортиқ турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришга эришилди. Бу борада корхона конструктор модельерлари, чеварлари, қўли гул бичиқчиларининг хизматлари каттадир. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан тажриба-синов цехида янги нусхадаги аёллар ва эркаклар пальтолари, болалар курткаларининг янги нусхалари тайёрланмоқда. Жамоа аҳли томонидан мамлакатимиз мактабларининг ўқувчилари учун 97,8 миллион сўмлик мавсумбоп куртка ва формалар тикиб берилди.

Айниқса, корхонанинг Германия фирмалари билан алоқалари кенгайиб бормоқда. Шунингдек, Намангандаги «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси билан ҳамкорлик ҳам ўз самарасини бермоқда. Ушбу қўшма корхонада ишлаб чиқарилган матолардан тикилган кийим-кечаклар ўзининг сифати, бежиримлиги билан, албатта харидорлар дидига мос келади. Корхонанинг 11та цехида меҳнат қилаётган чеварларнинг нияти эса ҳамиша чиройли маҳсулотлар билан харидорларни жалб этиш ва келгусида уларни жаҳон бозорига ҳам экспорт қилишдир.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

## ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Ф.Маликов олиб борди.***

Мажлисда депутатликка номзодларни рўйхатга олиш бўйича зарур ҳужжатларни тайёрлаш хусусидаги масала қараб чиқилди.

Мажлисда шунингдек, танлаб олинган мавзулар бўйича сайёр семинарларни ўтказиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Шаҳар сайлов комиссиясининг мажлисида шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари марказларининг ўзгартиришлари ҳам тасдиқланди. Жумладан,

**Акмал ИКРОМОВ ТУМАНИ БЎЙИЧА**

— 4-Зиё Саид сайлов округининг маркази 245-мактабдан Қурилиш коллежи биносига;

— 5-Ойбек сайлов округининг маркази 123-мактабдан 116-мактаб биносига;

— 6-Чопон ота сайлов округининг маркази «Чевар» акциядорлик жамияти биносидан 193-мактабга;

**СЕРГЕЛИ ТУМАНИ БЎЙИЧА**

— 30-Қумариқ сайлов округининг маркази 47-мактабдан енгил ва озиқ-овқат саноати лицейининг янги биносига;

**МИРОБОД ТУМАНИ БЎЙИЧА**

— 18-Темирйўлчилар сайлов округининг маркази 328-мактабдан Тошкент индустриал педагогика коллежи биносига;

**МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ БЎЙИЧА**

— 11-Академик сайлов округининг маркази Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти биносидан 140-мактаб биносига кўчирилди.

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## МИЛЛИЙ КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ШАҲАР БЎЛИМИ ТУЗИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 февралдаги ПФ-2211 сонли «Халқаро «Кураш» Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигида мажлис бўлиб ўтди.***

Мажлисни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атҳамжон Миржалилов олиб борди.

Мажлисда юртимизда спортнинг қадимий турларидан бўлмиш миллий курашни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишларга асосий эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро «Кураш» Ассоциациясининг президенти Жўрақул Турсунов шаҳримизда Ўзбекистон Республикаси Миллий кураш федерациясининг ҳудудий бўлими тузилиши катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирди.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси миллий кураш федерациясининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими тузилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атҳамжон Миржалилов бўлим раиси этиб тайинланди.

Пойтахтимизда миллий курашни ривожлантириш борасида шаҳримиздаги «Совпластитал», «Коском», «ЎзЭЛЛАС», «ЎзДЭУэлектроникс», «Лок Калор Синтез», «Ўздунробита» қўшма корхоналари, «Тошкентсут», «ЎзБУБ», «Тошкент чинни заводи», «Рангли лок заводи» «Алгоритм» ҳиссадорлик жамиятлари, Трансбанк ва «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳомийлик кўрсатиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

## ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Қирғизистон жанубидаги вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Жангарилар Хўжа Очкан қишлоғидан Сирт қишлоғига ўтишга уриниб кўрди. Лекин, «Град» қурилмалари ёрдамида берилган реактив замбараклар зарбасига учраб, ўтиш қийин бўлган тоғли ҳудудларга чекинди.

Террорчилар ўзлари эгаллаб турган ҳудудлар мудофаасини мустаҳкамлаш ва кучайтириш ҳамда назорат постларини жиҳозлашни давом эттирмоқда. Уларнинг асосий мақсади қиш келгунча эгалланган ҳудудларда моддий база яратишдир.

Бирлашган тожик мухолифати қуролли гуруҳларининг бошлиқлари озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-яроқ ва ўқ-дори бериш орқали жангариларга ёрдам кўрсатишда давом этмоқда. Маҳаллий аҳоли вакилларининг гувоҳлик беришича 22 сентябрь куни Тожикистон Республикасининг Жирғатол туманидан Зардоли, Хўжа Очкан ва Шудман қишлоқларига қурол-аслаҳа ва ўқ-дори ортилган карвон келган.

Боткен туманидаги ҳукумат қўшинларини янада кучайтириш учун Қирғизистоннинг Иссиққўл вилоятидан бу ерга доимий армия аскарлари ва кўнгиллилар юборилди. Ўз-ўзини ҳимоялаш отрядларига қарийб 1200 киши қўшилди. Уларнинг барчасига ўқотар қурол берилди. Кўнгиллилар ҳозир давлатга қарашли муҳим иншоотлар ва ҳарбий объектларни қўриқламоқда. Қирғизистон қуролли бўлинмалари Ўш вилоятининг тўртта туманига олиб бориши мумкин бўлган йўлларнинг қарийб барчасини тўсган.

Ўш шаҳрига Россиядан кутилаётган самолётларнинг бири — «ИЛ-76» келди. Унда ҳарбий техника, махсус қурол-аслаҳа ва авиация бомбалари бор. Бу юк Россия ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасидаги келишувга биноан олиб келинди.

Боткен туманида 4183 нафар, Қадамжой туманида эса 1629 та қочқин рўйхатга олинди. Уларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда.

**(ЎзА).**



*Тошкент метросининг Юнусобод йўналиши қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Айни дамларда йўналишнинг бир қатор бекатларида пардоз ишлари ниҳоясига етяпти.*

***СУРАТДА: «Минор» бекатида самарали меҳнат қилаётган Тоҳир Маликов ва Темур Эшонхўжаевларни кўриб турибсиз.***

*Ўз уйим — жону жаҳоним*

## ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

***Бу сўзнинг мазмуни ҳам, моҳияти ҳам битта. Бепоён, уммон каби чексиз она Ватанингни қанчалик севсанг, эъзозласанг, яшаб турган ўз уйинг, хонадонингни ҳам шунчалик муқаддас бил, жон-дилдан қадрла. Бу — бежиз эмас. Чунки ўз ҳурматини билган инсонгина ўзгалар ҳурматини жойига қўяди. Албатта, бу тушунчалар ҳар биримизнинг қон-қонимизга, кундалик ҳаётимиз, яшаш тарзимизга омухта бўлиб сингиб кетган. Лекин баъзида хотиржамликка берилибми ёки лоқайдлик боисми бу муқаддас тушунчадан бироз чекингандек, огоҳликни унутгандек кўринамиз.***

Мана, ҳаётий бир мисол. Куппа-кундуз куни тўққиз қаватли уй олдига келиб тўхтаган юк машинасидан уч-тўрт киши тушишди. Бир хилда коржома кийган йигитлар йўлакда ширин суҳбат қуриб ўтирган уй бекаларидан Салим аканинг хонадонини сўрашди.

— Шу йўлакнинг 2-қаватидаги 14-хонада туришади, — жавоб беришди қўшнилар йигитларга термулиб. — Тинчликми ўзи?

— Янгиликдан хабарларингиз йўқ шекилли, опалар. Салим акам янги уйга кўчяптилар-ку.

Йигитлардан бу хабарни эшитган қўшнилар Салим аканинг аёлидан ўпкалана кетишди:

— Вой, писмиқ бўлмай ўл! Бир оғиз гапирмайди-я. Шунинг учун биз билан келиб кўришмай, қуруқ салом-алик билан ўтиб кетган экан-да олдимиздан.

Йигитлар бир зумда чаққон ишга киришиб кетишди. Машинага керакли жиҳозларни ортиб, «Ҳозир биз яна қайтиб келамиз» дея жўнаб қолишди.

Бироздан сўнг бозордан оғир сумка кўтариб уйига қайтаётган Раънохон кутилмаганда йўлакдаги қўшниларининг дашномидан довдираб қолди.

— Ўн йиллик қадрдонмиза, ўргилай. Ахир янги уйга кўчаётганингизни бир оғиз айтсангиз осмон узилиб ерга тушмасди.

—Вой, нега кўчамиз, ким айтди?

Қўшнилар гапнинг тагига етиб унга нима дейишни билмай, кўз олдиларида бўлиб ўтган воқеадан ҳайрону лол бўлиб қолишди...

Ҳушёрлигимизни янада оширишга, ўз уйимизни ўзимиз қўриқлашга даъват этилаётган шу кунларда ички хизмат ходимлари бир тажриба ўтказишди. Улар кўп қаватли уйларнинг олдига синов учун юк машинасини келтириб қўйишди. Афсуски, орадан ўтган тўрт соатлик вақт давомида ушбу машина кимники, нима мақсадда турибди, деб суриштирадиган бирор доно топилмади.

Ана сизга огоҳлигу ҳушёрлигимиз, ўз уйимизга ўзимиз бепарво бўлганимиз.

Очиғи, огоҳликка чорловчи даъватларни кўп эшитамизу лекин ҳамиша ҳам унга риоя қилавермаймиз. Мана шу боисдан нотаниш башаралар, аллақандай келгиндилар ертўлаларимизда изғиб юришади. Улар ўзларига макон қилиб олган ўша ертўлалардан хонадонларимизга қон-томирдек ўтиб борган сув, газ қувурларидаги созлагичларни, керакли ускуналарни юлиб олиб, арзимас пулга сотиб совуришади. Баъзида эса керакли қувурларни кесиб олиш, ҳатто қотилликлар содир бўлаётган ҳолатларни ҳам учратиб турибмиз. Ахир қачонгача бундай нохушликлардан бехабар қоламиз, нега улардан кўз юмиб ўтамиз? Ён қўшнимиз ўзбошимчалик билан уйимиз ертўласини кавлаб, унинг ортидан машинасини сақлаш учун жой ҳозирлаб олганини кўра-била туриб ҳам индамаймиз.

Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, баъзилар янги уйга кўчиб келиши билан зудлик билан таъмирлаш ишларини бошлаб юборади. Шу йўл билан мустаҳкам ва зилзилабардошлиги қанча-қанча лойиҳачи-ю архитекторлар чиғириғидан ўтган хоналарни омонат ҳолатга келтириб қўямиз. Бир тасодиф рўй берса, бу ишимиз биргина бизга эмас, балки қўни-қўшниларимизга катта зиён-заҳмат етказишини ўйламаймиз.

Маломат тошини ҳар қанча отган билан ишни ўнглаб бўлмайди. Лекин бу гапларни айтишдан мурод бундан буёғига ҳушёр бўлайлик. 16 февраль воқеалари, Чечениcтон, Қирғизистон фожиалари, Россия пойтахти ва унинг бошқа шаҳарларидаги портлашлардан ўзимизга тегишли хулоса чиқарайлик, демоқчимиз.

Кексаларимиз «Қўшнинг тинч, сен тинч», «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма» деган гапларни бежиз айтишмаган.

Маълумки, ҳозир шаҳримизнинг барча ҳудуд ва туманларида, хусусан Чилонзор, Ҳамза ва Юнусободда «Ўз уйингни ўзинг қўриқла» шиори остида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, режалаштирилмоқда.

Бинобарин бугунги кунимиз биздан огоҳлик ва ҳушёрликни қатъий талаб қилаётган экан, бу борада баъзи мулоҳазаларни ўртага ташласак, фойдадан ҳоли бўлмасди. Ўз уйимизни ўзимиз асрамоқчи бўлсак бунинг учун аввало аҳоли билан бамаслаҳат уйларимизнинг ҳар бир йўлаги учун бир бошлиқ тайинлаб унинг раҳбарлигида кеча-кундуз теварак-атрофни қўриқлаш, йўлаклар ва ертўлаларни доимий назорат қилувчи қоровуллик гуруҳи ташкил этилса, нур устига нур бўлади. Бу ишга биринчи навбатда кексаларимизни жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Кундалик навбатчилар йўлакларга кириб-чиқаётган нотаниш кимсаларни сўраб-суриштириб турса, ертўлаларни мунтазам кузатишса ҳам хонадонимиз, ҳам уйимиз хавфсизлиги таъминланган бўлур эди. Маҳалла фаоллари эса бу ишда ибрат кўрсатиб, ҳар бир хонадонда истиқомат қилувчилар рўйхатини тузиб чиқишлари, уларда махсус рухсатномасиз бегона шахсларнинг яшашларига мутлақо йўл қўймасликлари лозим. Автомобиль сақлаш жойларини назорат қилувчи махсус гуруҳ ташкил этиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Шаҳримизнинг қоқ марказида пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган 20 қаватли бинолар негизида ташкил этилган Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур номи билан аталувчи маҳаллада айни кунларда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳар қанча таҳсинга сазовордир. Бу ишларнинг ҳаммасига маҳалланинг тиниб-тинчимас, жонкуяр оқсоқоли, истеъфодаги генерал Абдулла Ортиқбоев бош-қош бўлмоқда. Ўтган куни генерал бошчилигидаги маҳалла фаоллари тунги соат 12 дан то соат 2 дан 30 дақиқа ўтгунга қадар бу ерда тартиб-интизомга қандай риоя қилинаётганлигини текширдилар. Бундай саъй-ҳаракатни ҳар қанча мақтасак арзийди.

Ҳа, дастлабки қадамлар ўз самарасини бераётир. Шаҳримизнинг бир қатор туманларида шундай хайрли ишга киришилганини эшитиб, хурсанд бўлдик. Ўйлаймизки, бу ибратли ташаббус тез кунларда қанот қоқиб, бутун республикамиз бўйлаб тарқалади.

Яшаб турган хонадонимизни қанчалик авайлаб-асрасак, уни ёмон кўзлардан сақласак, юртимиз осмони мусаффо, кўнглимиз эса чароғон бўлади.

**Мақсуд ҚОБИЛЖОНОВ.**

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

♦ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қирғизистон жанубидаги воқеалар муносабати билан Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаевга мактуб йўллади.

♦ Марказий Осиё халқларининг бир гуруҳ ижодкорлари Қирғизистоннинг Боткен ва Чўнг Олай туманларида содир этилаётган бузғунчилик ҳаракатларига ўз муносабатларини билдириб, Марказий Осиё халқлари маданият арбобларига мурожаат эълон қилишди.

♦ Тонги газеталарда «Халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиёти йўлида» сарлавҳаси остида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халиловнинг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбати эълон қилинган.

♦ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар ва вилоят судлари раислари, тегишли вазирлик ва идораларининг вакиллари иштирок этди.

♦ Республика Киночилар уйида «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси Аёллар йилига бағишланган «Ипаклари тиллодан» ва «Қўшиқнинг қаноти бор» ҳужжатли фильмларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

♦ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти биносида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамкорлигида ўтказилган «Ўтиш даври жамиятларида демократлаштириш» халқаро конференцияси демократик тамойилларнинг устуворлигига бағишланди.

♦ Янгибозор туманидаги «Ширин Қўнғирот» ширкат хўжалигининг сўлим боғида ўзбекнинг машҳур саркардаси Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

♦ Наманганда 30 километр узоқликда ўтказилган мамлакат биринчилигида Тошкентдаги республика Олимпия ўринбосарлари билим юрти талабаларига тенг келадиган рақиблар топилмади. Улар ушбу велопойгада барча совринли ўринларни эгаллашди.

♦ Шу ҳафта Сингапурда бошланадиган қитъа биринчилигига иқтидорли ёш спортчиларимиз жўнаб кетишди.

### ЖАҲОНДА

♦ Югославия пойтахтида мухолифатчилар президент Слободан Милошевичнинг истеъфо беришини талаб қилиб намойиш ўтказди.

♦ Яманда президентликка сайлов бўлиб ўтди. Натижалар ҳали аниқ бўлмаса-да, кузатувчилар амалдаги президент Али Абдулла Солиҳнинг имкониятларини юқори баҳоламоқда.

♦ Исроил Бош вазири Эҳуд Барак Германияга ташрифи чоғида мамлакат канцлери Герхард Шрёдер билан музокара ўтказди. Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёни билан боғлиқ масала музокаранинг бош мавзуи бўлди.

♦ Индонезия парламенти томонидан тайёрланаётган давлат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунга норозилик сифатида ўтказилган намойишнинг ўнлаб иштирокчилари ҳибсга олинди.

♦ Эронда «Зулфиқор» русумли танкларнинг учинчи авлодини ишлаб чиқариш бошланди. Унга кўплаб ўзгартиришлар киритилган бўлиб, у замонавийлиги жиҳатидан илгаригиларидан кескин фарқ қилади.

♦ Иордания хавфсизлик хизмати ходимлари мамлакатнинг халқаро аэропортида ҳукумат хавфсизлигига таҳдид солишда айбланаётган «Ҳамас» ташкилотининг уч нафар етакчисини ҳибсга олди.

♦ Мексиканинг Мичоакан штатида 60 ёшдан ошган аёллар ўртасида гўзаллар танлови ўтказилди. Унда 77 ёшли Марина Уртадо ғолиб чиқди ва «Энг гўзал момо» деб эълон қилинди.

♦ Бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони Муҳаммад Алининг қизи Лайло отасининг йўлидан боришга ва унинг шуҳратини қайта тиклашга бел боғлади. 21 ёшли бу қиз октябрь ойи бошида АҚШнинг Верона шаҳрида биринчи бор профессионал рингда жанг ўтказишга қарор қилди.

♦ Жазоир Президенти А. Бутефлика Нью-Йоркда Франция Бош вазири Л. Жоспен билан учрашганидан сўнг икки мамлакат муносабатлари яхшиланиш йўлида эканини таъкидлади.

♦ Япониялик автомобилсозлар Монголия бозорини забт этишни давом эттираётир. Куни кеча Улан-Баторда Монголия ва Япония ишбилармонлари ҳамкорлигида тузилган «Монничи» автохизмат корхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

♦ Тайванда кейинги юз йил ичида рўй берган энг кучли зилзила қурбонлари сони 1674 тага етди, шунингдек, 3924 киши жароҳатланган ва 2869 киши бедарак йўқолган.

♦ Хитойнинг сейсмология бўйича давлат бошқармаси Тайванга зилзила оқибатларини тугатишда ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

● Ҳиндистон Мудофаа вазирлиги маҳаллий матбуотда Покистондан кирган жангарилар ҳали ҳам Кашмирдаги айрим истеҳкомларни эгаллаб тургани ҳақида тарқатилган хабарларни инъкор этди.

● Кения президенти Даниэл Арап Мои ўз қўриқчилари бошлиғини ўзгартиришга қарор қилди. Маҳаллий матбуотда уч нафар соқчи давлат раҳбарининг дам олиш хонасидаги ётоқни ўғирлашга ҳаракат қилгани ҳақида хабар эълон қилинганидан сўнг президент шундай иш тутишга мажбур бўлди.

*Теннис*

## ТАЖРИБА ҚЎЛ КЕЛДИ

***Ҳали теннис бўйича олтинчи халқаро Президент Кубоги мусобақаларининг эҳтиросли онлари сўнмай туриб «Юнусобод» теннис кортларида ишқибозлар ўтган жума, шанба ва якшанба кунлари яна бир йирик теннис мусобақалари — Дэвис Кубоги учун жаҳон лигасига чиқиш ҳуқуқини берувчи Ўзбекистон ва Чехия терма жамоалари ўртасидаги шиддатли баҳсларнинг гувоҳи бўлишди.***

Ташкил этилганига юз йил тўлаётган терма жамоалар ўртасида норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланмиш Дэвис Кубоги мусобақаларида бу йил жами 129 мамлакат командалари ўзаро беллашаётганлигини ҳисобга олганда бу ўзбек теннисининг улкан ютуғи эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Чехия терма жамоалари ўртасидаги учрашувни юртимиз иккинчи ракеткаси Вадим Куценко ва Чехиянинг энг кучли теннисчиси Иржи Новак (АТП-тур таснифига кўра 36-ўрин) бошлаб беришди. Биринчи сет 6/3 ҳисобида Новакнинг ишончли ғалабаси билан тугади. Иккинчи сетда 2/1 ҳисобида Куценко олдинда борган, сўнг 3/3 ҳисоби қайд этилган бўлса-да ҳамюртимиз ўз тўп оширишини бой бергач, унда ҳам 6/3 ҳисобида Новак устун келди. Учинчи сетни 6/2 ҳисобида якунлаган Новак чехлар учун дастлабки ғалабани қўлга киритди — 1:0.

Иккинчи ўйинда Олег Огородов ва Президент Кубоги мусобақаларида Евгений Кафельниковни енгиб энг катта шов-шувга сабаб бўлган Даниел Вацеклар ўзаро куч синашишди. Рейтинг рақами бўйича Вацек рақибидан деярли 60 поғона юқорида бўлса-да баҳсни Олег жуда яхши бошлади. Биринчи сетда ўн гейм натижасига кўра ҳисоб тенг — 5/5 бўлди. Бироқ ҳал қилувчи икки геймда Вацекнинг бой тажрибаси қўл келиб у 7/5 ҳисобида устун келди. Шундай қилиб, иккинчи ва учинчи сетни ҳам ютган Вацек умумий ҳисобни 2:0 га етказди.

Шанба куни Огородов — Куценко ва Новак — Рикллар ўртасидаги жуфтликлар баҳси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Дастлабки икки сетда чехлар 6/3 ва 6/2 ҳисобида осонгина ғалаба қозонган бўлса-да, учинчи сет кескин кечди. Ҳамюртларимиз 5/3 ҳисобида олдинда бораётган бўлса-да, уларга озгина қатъият етишмади. Натижада рақиблар ҳисобни тенглаштиргач, беллашув ва барча учрашувлар тақдирини тай-брейк баҳси ҳал этадиган бўлди. Унда 7/3 ҳисобида устун келган Чехия теннисчилари уч учрашув натижасига кўра 3:0 ҳисобида олдинга чиқиб олишди.

**КЕЧА**

якка ҳолдаги спортчилар ўртасида охирги икки беллашув бўлиб ўтди. Унда Питер Кралек Олег Огородовни 6/3, 6/2, Давид Рикл эса Вадим Куценкони 4/6, 6/2, 6/3 ҳисобида енгишди. Натижада Чехиянинг ўзига хос рекорди сақланиб қолди — юз йил давомида чех теннисчилари жаҳон лигасини ҳали бирор марта ҳам тарк этганлари йўқ.

Ушбу беллашувлар эса йирик халқаро мусобақалар олдидан энг кучли теннисчиларимиз — Огородов ва Куценколар учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ.**

*Сайловлар олдидан*

# ЖИДДИЙ ИМТИҲОН

***Мустақил Ўзбекистон тарихида янги босқич вазифасини ўтовчи Республика Олий Мажлиси ва мамлакат Президентлигига сайловлар ҳам тобора яқинлашиб келмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маърузасида Ислом Каримов қуйидаги фикрларни олға сурди: «Барча сайловолди тайёргарлигимизнинг асосий мақсади — ҳар қайси овоз берадиган инсон — у кимга овоз беришидан қатъи назар. Президент номзодигами ёки депутат номзодигами, — аввало ўз хоҳиш-иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз берсин».

Ушбу қутлуғ кунлар арафасида Республикамиз Президенти демократик янгиланишлар, уларнинг узлуксизлигини таъминлашнинг ишончли кафолати эканлигини яна бир карра исботлади. «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонун фикримизнинг яққол далилидир. Унда оммавий ахборот воситаларига кенг ўрин ажратилиб, уларнинг имкониятларидан фойдаланиш механизмлари аниқ белгиланган. Энг муҳими, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг имкониятлар берилади.

Бу — журналистлар олдига масъулиятли вазифаларни қўяди. Авваламбор сайловолди тарғибот ишларига фаолроқ киришиш керак. Эскича иш юритиш усулларидан воз кечишнинг пайти келди. Зеро, ҳаётнинг ўзи мустақилликдан кейин ўтган саккиз йил ичида эришган ютуқларимизни очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Ушбу қисқа вақт давомида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Йилдан йилга халқаро майдонда мамлакатимизнинг нуфузи ошиб бормоқда, иқтисодий салоҳиятимиз кучаймоқда, демократия ва ҳуқуқ нормалари мустаҳкамланмоқда, маънавият, маданият, халқ анъана ва удумлари тикланмоқда.

Фикримизча, сайловчиларни Ўзбекистонда кечаётган жараёнларга холис баҳо берувчи халқаро жамоатчилик фикри билан таништиришга кўпроқ аҳамият қаратиш керак. Фактларни нотўғри беришдан тортиб, қуролли тажовузларгача қўл ураётган, шу орқали тарих ғилдирагини орқага айлантиришга уринаётган ғаламисларнинг эса яхшилаб «адабини» бериш керак.

Сайловларга тайёргарлик, бу биз — оммавий ахборот воситалари ходимлари учун нафақат демократияга томон қўйилган муҳим қадам, балки касб маҳорати, фуқаро етуклиги, журналистлик одоб-маданиятининг жиддий имтиҳони ҳамдир.

***Абдулла СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,***
***Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг директори.***



*Энг ноёб техникалар билан қуролланган хонада ишлаш қулай ва осон.*

*Фармон ва ижро*

# ЭЛ ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 17 сентябрдаги 1843-сонли «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни давом эттириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилишини Яккасарой туманида ўрганилганда бир мунча ижобий ишлар амалга оширилганлиги маълум бўлди.***

Туман ҳудудида жорий йилнинг ўтган даври ичида 36 та янги маиший хизмат кўрсатиш масканлари ишга тушган. Иш жойига эга бўлмаган аёллар учун «Ўриксор», А. Авлоний маҳаллаларида тикувчилик буюмларини майда таъмирлаш ва тикув буюмлари билан ишлаш ташкил қилинган.

Туман маиший хизмат уюшмаси ва унинг тизимлари томонидан 2396 минг сўмлик аҳолига хизмат кўрсатилганлиги, хизмат кўрсатиш даражаси эса 1998 йилнинг ушбу даврига нисбатан 17,6 фоиз устунлигини кўрсатди.

Аммо, ўрганиш жараёнида айрим камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Туманда пойабзал созлаш устахонаси етишмаслиги ва ҳаммом, ювиниш хоналарининг камайиб кетганлиги (атиги 2 та ҳаммом ишлаб турибди) ҳамда маиший хизмат кўрсатиш тизимлари томонидан аҳоли билан ҳисоб-китоб қилишда солиқ қонунлари бузилаётганлиги ва бошқа санитар ҳолатларида камчиликлар борлиги маълум бўлди.

Ушбу масала туман ҳокимлиги назорат инспекциясининг йиғилишида кўриб чиқилиб масъул раҳбарларга кўрсатмалар берилди. Бир йўла солиқ қонунларини бузган маиший хизмат корхоналари тўғрисидаги далолатномалар туман Давлат солиқ инспекциясига чора кўриш учун юборилди.

***Эргаш ОТАЕВ,***
***Яккасарой тумани ҳокими ўринбосари — назорат инспекцияси раҳбари.***

*Муносабат*

# ЭГАСИГА ТАТИМАГАН ТЎЙ

## ЁКИ ДАНҒИЛЛАМА УЙ НЕГА СОТИБ ЮБОРИЛДИ?

***Тонг саҳардан қўш карна-ю сурнайлар, ноғора-ю чилдирмаларнинг жўр овози ширин уйқуда ётган одамларнинг қулоғини қоматга келтирди. Эрталабки ошга чорловчи бу овозни эшитиб қўни-қўшнилар эринибгина ўринларидан туришди...***

Яқинда маҳалладаги ночор ҳовлилардан бирини сотиб олиб, икки ойга етар-етмас эски хароба ўрнида икки қаватли шоҳона иморат тиклаган, қайсидир нуфузли идораларнинг бирида раҳбарлик лавозимида ишловчи Турғунбой исмли янги қўшни ҳовли тўйи ўтказаётган эди. Тўйхона томон яқинлашган сари одамлар сафи ортиб, улар оқими кўпайгандан кўпайиб борарди.

Икки томонни тўлдирган басавлат ҳассакашлар гўё кўча қаторлаб текис экилган теракдек узундан-узоқ чўзилишган. Улар орасида кимлар йўқ дейсиз. Бай-бай, буйруқ берувчиларнинг кўплиги. Ҳатто ўз маҳалладошлари тўйида виқор тўкиб эшик олдидаги дастурхон тўрида атрофдагиларга сўз уқтириб ўтирадиган маҳалла оқсоқоли Сайфи ака ҳам бу гал ўртада пилдираб юрибди.

Бир хилда кийинган ҳассакашлар орасида турган Турғунбой аканинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳайриятки ёнидаги уддабурон киши чаққонлик билан унинг қўлидан тўёналарни дамбадам олиб турибди. «Хазинабон»нинг ўнг томонида қоғоз ва қалам тутган яна бир одам.

Стол-стул, дастурхон (уларда булбулнинг сутидан бошқа ҳамма нарса бор) унинг устига анвойи ноз-неъматлар тўлдирилган бир хил биллур идишлар чор-атрофи қизил гиламлар билан ўраб ташланган ҳовлига янада файз киритиб юборган. Дастурхоннинг тўрт ерига чинни кўзада қимиз, унча-мунча одамнинг кўзи кўриб қулоқ эшитмаган «Аристократ» ароғи қўйилган. Мўлжал оз эмас, кўп эмас киши бошига 100 граммдан. Ҳамма нарсанинг меъёрида бўлгани яхшида. Қолаверса эрталабки ошда бўкиб тўйгунча эмас, бош оғриғи учун ичилади.

Ёнимдаги ҳамроҳим секин сўради:

— Бу ароқнинг неча пул туришини биласизми?

— Беш-олти юз турса керак, — дедим шиша ёзувига тикилиб.

— Тушингизни сувга айтинг, биродар. Бунинг ҳар бир шишаси 50 доллар туради.

Эшитиб қалқиб кетдим. Вой, тавба. 50 доллар тугул шу вақтгача ҳали 1 долларни ҳам қўлига тутмаган одамлар бор-а. Ахир ўшалар бу тўйининг таърифини эшитса нима дейишади? Бу нима ўзи, чиндан ҳам ҳовли тўйими ёки манманликми?

Гапнинг қизиғини эртасига эшитдик. Қарангки, одамлар орасида достон бўлган бу тўй — эгасига ёқмабди. Тўғрироғи татимабди. Шундай тўй-а, нега? Тўйбоши кутган энг азиз меҳмон тўйга келмаган эмиш. Турғунбой ака бирор юмуши чиқиб қолган бўлса кечроқ келсалар керак деб хўжайинини кўзи тўрт бўлиб роса пойлабди. Аммо ундан дарак бўлмабди...

Кўп ўтмай данғиллама тўйидан кўнгли тўлмаган Турғунбой ака: «Бу жой изли-қутли келмади», дея ҳовлисини бошқа одамга жаҳл билан сотиб юборди. Ўша тўйда «Аристократ» ароғини татиб кўрганлар эса ҳозиргача биз шунақа ароқ ичганмиз деб гердайиб юришади.

Яқинда Турғунбой ака ҳақида бир гап эшитдик. Шундай бадавлат одам мискин кун кўрувчи укасига қайишмаган экан. У ўғил уйлантираман деб пулга муҳтож бўлиб акаси олдига қарз сўраб борганида Турғунбой ака: «Кўрпага қараб оёқ узатиш керак-да» деб укасини қуруқ қайтарган экан. Укаси ўша тўйда кимгадир шу ҳақда йиғлаб гапирибди.

Бу воқеадан ҳаммамиз ажабландик. Оқибатни қарангки, ўртага ҳар бир шишаси 50 доллар турадиган ароқни қўйган одам, укасини ақалли бир шиша ароқнинг пулига арзитмабди-я.

Очиғи бунақа дабдабали тўйлар, оқибатсиз кишилар ҳақида кўп эшитганмиз. Ён-атрофимизда содир бўлаётган бу кимўзарлик учун қилинаётган тўй ва маросимлардан барчамиз хабардормиз. Бундай манманлик нима ва кимлар ҳисобига бўлаётгани ҳам бизга кундек равшан. Лекин ҳеч биримиз ноқобил йўл билан бойлик орттириб сохта обрў олмоқчи бўлган бундай кишиларнинг юзига тилимиз учида турган гапни дангал айта олмаймиз. Нега шундай? Туриб-туриб ҳайрон бўласан киши. Бизда риоя, андиша шунчалик кучлими? Лоқайдлигимиз шунчаликка бориб етдимики, баъзан яхши-ёмонни кўриб кўрмасликка оламиз. Қачонгача тўғри сўзни бетга айтишдан ийманиб юрамиз? Қачонгача бу ҳақда бирон буйруқ ёки кўрсатма келишини кутиб юрамиз?

Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, маросимларимизни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги ўтган йилги Фармонини эслайлик. Ўшанда қандайдир бирдан фаоллашиб қолдик. Матбуот, радио, телевидение бу иллат хусусида чиқишлар қилди. Албатта бу танқидий муносабатлар ўз самарасини кўрсатди. Тўйларимиз бирмунча тартибга тушиб қолди. Кунора шаҳар кўчаларида узлуксиз сигнал бериб куёвнавкарлар ва келиннинг янгалари-ю дугоналарини ташмалаб изғиб юрган қўша-қўша бир хил рангли «ГАЗ-31»лар, «Лимузин», «Мерседес»лар аҳён-аҳёнда учрайдиган бўлди. Кейинчи? Қор ёғди-излар босилди. Бундай чиқишлар (баъзида кўзга ташланиб қолмаса) тўхтади. Натижа эса аён. Яна эски ҳаммом, эски тос.

Шу ўринда бир гапни айтиш жоиз. Қарангки, Президентимизнинг мазкур Фармонидан сўнг Бирлашган Араб Амирликларидек давлатда дабдабали тўй ёки маросимлар қилганларни жаримага ёки қамоқ жазосига тортиш ҳақида фармойиш эълон қилинган экан. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, бизда бунақа жазолаш усули йўқ. Одамларга ишонамиз. Чегарадан чиққанларни эса инсофу диёнатга чақирамиз. Бу ҳам албатта ўзбекона андишанинг кучлилигидан. Лекин андишанинг отини қўрқоқ қўймаслик керак.

Баъзида «жабр тортган» кишилар оғзидан: Чарлар ёки бошқа баъзи «оғзи катталар» томонидан кашф этилаётган «таърифи йўқ удумларни ўтказиш шартмикан» деган сўзларни эшитиб қоламиз. Масалан, биргина чарларни олайлик. Чиндан ҳам битта тўйдан ошиқ маблағ сарфланадиган бу йиғинни ўтказиш шартми? Ахир бор буди-шудини сарфлаб кечагина қиз узатган оилага эртасига қайта катта тўй бошлаш оғирлик қилмайдими? Бунинг устига баъзи бойвачча кимсалар томонидан чарлар куни қизига, куёвига, қуда-андасидан тортиб, унинг бешикдаги боласигача қилинаётган қўша-қўша сарпо-суруқлар бир сари, бунинг устига куёвтўрага шу куни одамлар кўз-ўнгида қайнота томонидан яп-янги машинанинг калитини тутишлар ўзга ночор кишиларнинг ғашини келтирмайдими? Бундай ортиқча харажатлар ўзгалардан ибрат олиб қарз-қурз ҳисобига бўлса ҳам шунақа чарларни ўтказишга аҳд қилган баъзи бечораҳолларнинг белини чиқармайдими? Бундан кўра икки томон бамаслаҳат иш тутиб ҳеч қандай дабдабасиз ўз яқинлари иштирокида танишув маросимини ўтказсалар яхши бўлмасмикан? Югур-югур, ўртада ҳеч қандай кўнгилсизлик, совуқчилик йўқ. Қолаверса қуда-қудағайлар бемалол бир дастурхон атрофида ўтириб ҳар қанча чақ-чақлашганига нима етсин?

Яқинда ўзимиз шундай камсуқум маросимнинг гувоҳи бўлдик. Қиз узатган ён қўшнимиз Бахтиёр ака оиласи ҳам, қуда томон ҳам келишиб чарлардан воз кечишди. Тўйдан кейин бир ой ўтиб икки томоннинг чарчоғи босилгач, қудалар оилавий йиғин қилишди. 20 чоғли одам тўпланган хонадонга бир файз тушдики, гап-гапга қовушди, ширин суҳбатлар алла-паллагача давом этди. Исрофгарчилик йўқ. Ортиқча ҳаражат йўқ. Ҳамма нарса меъёрида. Энг муҳими икки томон хотиржам.

Мана яна ибрат олса арзигулик мисол. Бир нуфузли оила бевақт оламдан ўтган қизига бериладиган йигирма кунлик эрталабки ош маросими Меҳрибонлик уйида ўтказилганини эшитиб хурсанд бўлдик. Мана буни ҳақиқий савоб, ҳам саховат деб аташ мумкин. Ахир казо-казолар даврасида хўжакўрсинга бундай маросимни ўтказиш қайда-ю етим-есирлар, чинакам ёрдамга муҳтож болаларга тансиқ таом — ош тортиб уларнинг қорнини тўйдирган қайда. Ана энди қай бири савобли эканлигини ўзингиз айта қолинг.

«Вақт Назир» масъулияти чекланган жамият Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 228 нафар болага дастурхон тузаб ош тортибди. Шу куни болаларга 700 минг сўмлик кийим-кечаклар тарқатибди. Бундай саховатдан ким қувонмайди. Зеро, ҳақиқий меҳр-оқибат, ҳурмат олиш, бойликни беҳуда сарфлаш билан ўлчанмайди. Балки ақл-фаросат билан иш тутиб, уни кераклли, зарур жойларга сарфлаш билан ўлчанади.

Тўйлар — юртимиз кўрки. Маросимлар эса азалий урф-одатимиз. Уларни кўнгилли ўтказишга ҳеч ким ҳеч қачон қарши бўлган эмас. Лекин ҳар бир нарса ўзгалар ғашини келтирадиган даражада эмас, балки меъёрида бўлгани яхши. Албатта уларни тартибли ўтказишга ўз-ўзини бошқарув органи бўлган маҳаллалар ва уларнинг фаоллари бош-қош бўлиши керак.

***Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.***



*Замонавий маҳаллалар — шаҳримиз кўрки.*

*Кино*

# ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

«Ўзбекфильм» ижодкорлари томонидан суратга олинган «Воиз» номли янги бадиий фильм МДҲ ва Болтиқбўйи давлатларида ўтказилган танловда бош совринни олишга муваффақ бўлган эди. Ўн учта мамлакат фильмлари орасида бу фильм Россия киношунослари ва кинотанқидчилари томонидан юксак баҳоланди.

«Воиз» бу йил август ойида Бухорода бўлиб ўтган республика 2-миллий фильмлар кинофестивалида ҳам бош совринга сазовор бўлди. Унинг ижодкорларига «Энг яхши сценарий ва энг яхши рассом учун» мукофоти берилди. Шунингдек, фильм Анапа шаҳрида бўлиб ўтган «Кино шок-99» кинофестивалининг бош соврини — Гран прига сазовор бўлди.

Куни кеча Киночилар уйида ушбу фильмга мукофот топшириш тақдимот маросими бўлиб ўтди. Фильм сценарийси ва муаллифи Юсуф Розиқов, оператор Улуғбек Ҳамроев, бош рассом Дониёр Абдураҳмоновларга тантанали равишда мукофотлар топширилди. Тақдимот маросимида киношунос, профессор Ҳамидулла Акбаров, кинорежиссёр Исамат Эргашев сўзга чиқиб фильм ижодкорларини қутладилар.

Ўзбекистон кино Давлат акционерлик компанияси ва Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси томонидан ташкил этилган бу маросимда республикамизнинг кўзга кўринган кино арбоблари, киношунослар, актёрлар қатнашдилар.

***Дилбар АКРОМОВА.***

*Назм*

# ТЎРТЛИКЛАР

*Ўз қадрингни ўзинг белгила,*
*Ишингга тан берсин ўзгалар.*
*Қуруқ сўзга куч берар бўлсанг,*
*Элда иззат-нафси қўзғалар.*

* * *

*Тонгим ёришмайди, кечам ўтса-да,*
*Қуёшни излайман, осмон фалакдан.*
*Бирор рози кетган бормикан, дейман,*
*Мурод ҳосил қилиб, бу чархпалакдан.*

* * *

*Ҳайиқмайман, ўлимдан асло*
*Ўлим менга ёт эмас,*
*Ўлимсиз мангуликка*
*Яшаш ҳам ҳаёт эмас.*

* * *

*Гина-кудуратсиз бўлар мусулмон,*
*Арзимас умрга хасрату армон,*
*Шайтоннинг йўриғин тутгувчиларнинг*
*Ичида эҳтимол ўзим ҳам борман.*

* * *

*Ҳаётга келдингми вақти бемаҳал,*
*Яхшидан ёмонга йўйма отингни.*
*Замон фарзанди бўл, содиқлик билан*
*Сен унга тўғирлаб ол соатингни.*

* * *

*Каттанинг ҳурмати ёши биландир,*
*Катта катта сўзлар, кичиклар тинглар.*
*Кичикнинг каттага катта сўзлаши,*
*Кимга ҳам хуш келар, қани айтинглар?!*

* * *

*Дерларким бахилнинг боғи кўкармас,*
*Баъзан кўкарса ҳам узоққа бормас.*
*Саратон нафасин олмаёқ ҳали —*
*Боғи баҳрасидан ҳеч асар қолмас.*

* * *

*Той кишнаркан от бўлишнинг орзусида,*
*Кишнамаган той ҳам бир кун от бўлади.*
*Қиз боланинг кишнаганин киши билмас,*
*Давон ошиб ўз элига ёт бўлади.*

* * *

*Ош бўлса оламиз «Қани-қани!»сиз*
*Иш бўлган ердачи, ҳа, ўйланиброқ*
*Биз бўлган дастурхон устида шундан*
*Ишлаган есин деб димоғу-фироқ.*

* * *

*Ҳаётнинг қизиғи, гул ўйнар йиллар,*
*Шу ўн беш-йигирма ёшимда экан.*
*Қолгани етгунча сўнгги соатинг,*
*Оламнинг савдоси бошингда экан.*

***Толиб ЙЎЛДОШ.***

*Нуқтаи назар*

# МАФКУРАМИЗНИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

***Ахлоқ, маънавият, маърифат, эркинлик, муҳаббат, садоқат истиқлол сўзи билан узвий боғлиқдир.***

Мустақиллик — шахснинг ўзлигини англамоқ ва ўзлигини танимоқ демакдир. Агар унинг таркибий қисмларини бирма-бир таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда фуқароларимиз олдида турган вазифалар ўзининг бутун бўй-басти билан намоён бўлади. Биринчи навбатда одамларнинг дунёқараши ўзгариши, ғурур, орият, шаън ва номус туйғулари кучайиши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга меҳру муҳаббати, эгалик масъулияти ҳисси бекиёс ортганлигини кўрамиз.

Бугунги кунимизга хос ёрқин хусусиятлардан яна бири миллатнинг ўзлигини англашидир. Кейинги йиллар мобайнида Йўлбошчимиз муттасил тарихимиз, миллий тарихимиз, миллий қадриятларимизни беғараз-холис, чинакам илмий-назарий асосларда тиклаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар.

Ҳа, биз ҳақиқий миллий ахлоқ, маънавият ва маърифат, эркинлик, мафкурани истиқлол туфайли англадик.

Халқ онгига озодлик, ватанпарварлик, инсонийлик туйғуларини сингдириш айнан мустақиллигимиз туфайли бўлди.

Биз истиқлол туфайли ўзлигимизни англадик. Тарихимиз моҳияти, қимматини теран тушундик. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Беҳбудий, Мунаввар Қори, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий сингари фидойиларнинг бебаҳо меҳнатлари юзага чиқмоқда.

«Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши — бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти», — деб таъкидлайдилар Йўлбошчимиз.

Буюк инсонларнинг илмий мероси ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу мерос озодлигимизни мустаҳкамлашга, фуқаролар онгининг ривожига, халқни маънавий-руҳий, ахлоқий жиҳатдан юксалтиришга сабаб бўлади. Аждодларимиз ижодидаги инсон мавзуси, маънавий, тарбиявий маъно маънавиятининг юксалишига, миллий мафкурамизга муносиб таъсир қилади.

Шу боис, умр бўйи эл хизматида бўлиб, унинг ёрқин келажагига умид боғлаб яшаган, курашган ота-боболаримиз бой меросини пухта ўрганиш боғча, мактаблардан бошланмоғи керак.

Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Машраб, Нодирабегим, Огаҳий, Феруз каби мутафаккирлар, давлат арбоблари ҳаёт ва ижодлари моҳияти ҳар томонлама очиб берилаётгани йўқ.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу мавзу бўйича илмий манбалар етарлидир, аммо бизда ҳанузгача методика (педагогик услубият) етишмаяпти.

Маълумки, асримиз бошларида маънавият, маърифат ғояси билан инсонни улуғлаш, адабиёт ва санъат орқали озодлик, мустақиллик моҳиятини тушунтириш ҳаракати — жадидчилик ривожланди. Жадидчилик Ватан туйғусини инсон онгига тўғри тушунтириш, халқни озодликка чорлаш, бахтли келажак учун курашди. Халқимиз тарихидаги ана шу ҳаракат моҳияти, унинг фидойилари ҳақидаги мавзу нафақат филология факультетларида, балки барча ўқув юртларида ўзбек ва рус тилларида олиб борилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки жадидчилик ҳаракатининг моҳияти юксак маънавият ва маърифатга, мустақиллик, ватанпарварликка бориб тақалади.

Лекин афсуски, ёшларимизга ана шу буюк ҳаракат моҳияти етарлича етказилаётгани йўқ. Агар биз ўз тарихимизни қанчалик асосли баҳоласак, жамиятимиз равнақига шунчалик кўпроқ ҳисса қўшган бўламиз.

Шуни айтиш керакки, истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз, миллий маданиятимиз тикланмоқда ва қайта ўрганилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан номлари унутилиб кетган аждодларимизнинг номлари қисқа вақт ичида тикланди, уларнинг бой меросини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. «Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак», — деб таъкидлайдилар Йўлбошчимиз. Бинобарин халқимиз тарихи моҳиятини пухта ўрганиш, уни ёшлар онгига тўғри сингдириш, мутафаккирларимизнинг олижаноб ишлари аҳамиятини тушунтириш миллий истиқлол мафкурасининг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан мазкур масала устида мулоҳаза юритиш, уни ўқув юртларида қай тарзда тўғри олиб бориш, методик муаммоларни ҳал қилиш биз — педагоглар вазифасидир.

***Гулчеҳра АЛИЕВА,***
***Гулнора ҒУЛОМОВА,***
***Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари.***

*Саховат*

# СОВҒАЛАР ЭГАЛАРИНИ ТОПДИ

***Собир Раҳимов туманидаги Амир Темур маҳалласи ҳудудида жойлашган 68-болалар боғчасида маънавият кечаси бўлиб ўтди.***

Унда Амир Темур маҳалласи оқсоқоли А. Тошпўлатов, туман хотин-қизлар қўмитаси ходими С. Обидова ва бошқалар маънавият, маърифатнинг ҳаётимизда тутган ўрни, кишиларнинг маърифий онгини юксалтириш мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканлиги тўғрисида тўхталиб ўтишди, жойларда бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлашди. Туман бадиий ҳаваскорларининг чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Кеча сўнгида маҳаллада истиқомат қилувчи 6 нафар кам таъминланган оилаларга шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармаси, Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлими томонидан ажратилган совғалар топширилди.

***Нигора ҒУЛОМОВА.***

